

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАНКЛАРАРО ЧАКАНА
ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ**

Фарҳод Маҳмудов

мустақил изланувчи

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатимизда мавжуд чакана тўлов тизимларини ташкил этишининг ҳуқуқий асослари ва ривожланиши эволюцияси, уларнинг ишлаш тамойиллари ва мезонлари, қулайликлари, молиявий, техник ва бошқа имкониятлари ёритилган.

Шунингдек, 2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган банк пластик карталари, ўрнатилган тўлов терминаллари, банкоматлар ва инфокиосklar сони, тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: тўлов тизими, дастурий платформа, Pos ва E-pos терминаллари, банк пластик карталари, тўлов терминаллари, банкомат ва инфокиосklar, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, банк ахборот технологиялари ва электрон тўлов воситалари.

Тўлов тизими тўловларни тўлов тизимининг оператори, тўлов тизими иштирокчилари ва (ёки) тўлов ташкилотларининг тўлов тизими оператори томонидан белгиланган тўлов тизимининг тартиб-таомилларини, инфратузилмасини ва қоидаларини қўллаш воситасида ҳамкорлик қилиш йўли билан амалга оширишни таъминлайдиган муносабатлар мажмуидир.

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан “Uzcard” ҳамда “Humo” тўлов тизимларининг миллий валютадаги банк карталари муомалага чиқарилиб, уларнинг инфратузилмаси кенгайтириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Пластик карталар орқали ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445-сонли қарорига асосан www.tadqiqotlar.uz

Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилиб, “Uzcard” тўлов тизими фаолият юрита бошлади.

2020 йил 11 апрелда Ягона умумреспублика процессинг маркази МЧЖга “Uzcard” тўлов тизими оператори лицензияси Марказий банк томонидан тақдим этилди.

UZCARD – “Ягона умумреспублика процессинг маркази” МЧЖ (UZCARD савдо белгиси). Компания эквайринг фаолиятини, электрон тўловларни қайта ишлашни таъминлайди, шунингдек, банклар, тўлов ташкилотлари ва бозорнинг бошқа иштирокчиларини бирлаштирган ҳолда провайдер вазифасини ҳам бажаради.

Тижорат банкларини битта дастурий платформа асосида ягона тўлов майдонига бирлаштириш, иштирокчи банклар миждозларига пластик карталарни қўллаш бўйича кенгрок имкониятларни тақдим этиш учун янги стандартлаштирилган маҳсулотларни бозорга чиқариш жараёнини тезлаштиришга имкон берди. Бу, шунингдек, молиявий, техник ва бошқа ресурсларни тежашни таъминлайдиган карта лойиҳаларини амалга ошириш ва ривожлантиришда банкларнинг ўзларига марказлаштирилган ёрдам кўрсатишга ёрдам берди.

Ҳозирги вақтда UZCARD мамлакатнинг 36 та тижорат банки, 36 та тўлов агрегаторини бирлаштиради. UZCARD карталари фойдаланувчилари Pos ва E-pos терминаллари орқали товарлар ва хизматлар учун ҳақ тўлашлари, банкоматлар ва ахборот киоскаларда ўзларига хизмат кўрсатишлари, шунингдек, бутун мамлакат бўйлаб мобил иловалар ва интернет-банк тизимлари орқали операцияларни амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 445-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сонли “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини

янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар маҳаллий тизимини янада ривожлантириш ва кенгайтиришда туб бурилиш ясади. Ушбу ҳужжатлар пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш, банкдан ташқари нақд пул айланмасини қискартириш, мамлакатда банк микропроцессорли пластик карточкалар ва тўлов терминаллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича вазифаларни бажаришни назарда тутди.

Асосий вазифалари:

“Ягона умумреспублика процессинг маркази” МЧЖнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон молия бозорида илғор ахборот технологиялари ва электрон тўлов воситаларини комплекс ва мақсадли тарғиб қилишни ташкил этиш.
- Банк ахборот технологиялари ва электрон тўлов воситалари соҳасида узоқ муддатли стратегик дастурларни ишлаб чиқиш.
- Пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз тўлов тизимлари бўйича техник ва норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш.
- Молиявий уюшмалар, дунё бўйлаб ихтисослаштирилган банк ускуналари ва тизим интеграторларини ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорликни ривожлантириш ва шериклик алоқаларини ўрнатиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3945-сонли қарорига асосан Миллий банклараро процессинг маркази ташкил этилиб, 2019 йилнинг I-чорагидан бошлаб “Нумо” тўлов тизими ишга туширилди.

Миллий банклараро процессинг маркази МЧЖга 2020 йил 11 апрелда “Нумо” тўлов тизими оператори лицензияси Марказий банк томонидан берилди.

МБПМ ҳар бир мижоз учун банк-ҳамкорнинг мижозларини транзакциялари клиринги ва авторизация қилишни қўллаб-қувватлаш ва

ташқил қилиш бўйича алоҳида комплекс ечим тақдим қилади. «HumoCard» – банк тўлов карталарига асосланган Humo тўлов тизими Ўзбекистонда ва хорижда операцияларни амалга оширишга мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистон тўлов тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тўлов тизимининг оператори, тўлов тизими иштирокчилари ва/ёки тўлов ташкилотларининг ушбу тўлов тизими оператори томонидан ўрнатилган тартиб-таомиллар, инфратузилма ва қоидаларни қўллаш орқали ўзаро ҳамкорлиги йўли билан тўловларни амалга оширишни таъминлайдиган муносабатлар мажмуи тўлов тизими ҳисобланади.

Humo – давлат ҳудудида пул ҳаракатини ва хорижий тўлов тизимлари билан ўзаро муносабатларни таъминлайдиган ҳисоб-китоблар иштирокчилари, тўлов инструментлари ва воситалари, дастурий-техник воситалар, шунингдек, банклараро пул ўтказмалари тизимлари мажмуидир.

Humo тўлов тизимининг Оператори халқаро тўлов тизимлари (Visa, MasterCard, UnionPay International) билан ўзаро муносабатларни ўрнатиш бўйича ишларни олиб бормоқда. Натижада Humo банк карталари билан хорижда чет эл валютасида операцияларни ўтказиш ва юқорида келтирилган тизимларнинг хорижий банкларнинг карталари орқали Ўзбекистонда операцияларни амалга ошириш имконияти яратилади. Банкларнинг «HumoCard» тўлов тизимига аъзо бўлиши ихтиёрийдир.

1-жадвал.

Муомалага чиқарилган банк пластик карталари, ўрнатилган тўлов терминаллари, банкоматлар ва инфокиосклар сони¹


| Сана | Муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони | Ўрнатилган тўлов терминаллари сони | Ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони |
|------|--|------------------------------------|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 |

¹ <https://cbu.uz/oz/> - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари
www.tadqiqotlar.uz

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

| | | | |
|------------|------------|---------|--------|
| 01.01.2020 | 20 547 366 | 392 361 | 9 203 |
| 01.01.2021 | 25 775 662 | 438 410 | 11 800 |
| 01.01.2022 | 27 105 785 | 433 384 | 12 940 |
| 01.01.2023 | 34 195 648 | 434 018 | 20 379 |
| 01.01.2024 | 46 205 950 | 429 334 | 26 655 |

Мамлакатимизда банк карталари инфратузилмаси 2020 йил 1 январь ҳолатига 20 547 минг дона банк карталари, 392 361 та тўлов терминаллари ҳамда 9 203 та банкомат ва инфокиосклардан ташкил топган бўлса, 2024 йилга келиб уларнинг сони бир неча мартага ошганлигини кўриш мумкин. Хусусан, муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони 2,2 мартага ошиб, 46,2 млн дона, тўлов терминаллари сони 429,3 мингта, банкомат ва инфокиоскалар сони 26,7 мингтани ташкил этган.



1-расм. Тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси (йил бошидан)², млрд. сўм

Терминаллар орқали амалга оширилган тўловлар суммаси ҳам йиллар давомида ўсиш тенденциясини қайд этган. Хусусан, 2020 йилда 71 трлн сўм

² <https://cbu.uz/oz/> - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари
www.tadqiqotlar.uz

бўлса, 2024 йилга келиб 255 трлн сўмга етган. Мазкур ҳолат мамлакат иқтисодиётидаги ҳисоб-китобларни амалга оширишда тўлов тизимларининг ўрни ва унга нисбатан ишончнинг ошганлигини ифодалайди. Қолаверса, тўлов терминаллари орқали ҳисоб-китоблар тез, қулай ва ишончли восита сифатида жамиятга кириб келаётганлигидан далолат беради.

2019 йил давомида иккита миллий чакана (“Humo” ҳамда “Uzcard”) тўлов тизимларининг Visa, Mastercard, China Union Pay ҳамда Мир халқаро тўлов тизимлари билан интеграцияси самарали амалга оширилди. Бу эса, ушбу халқаро тўлов тизимлари карталари фойдаланувчилари, яъни мамлакатимизга ташриф буюрувчи туристлар, меҳмонлар учун кенг шарт-шароитлар яратган ҳолда “Humo” ҳамда “Uzcard” тўлов инфратузилмаси (банкоматлар ва тўлов терминаллари тармоғи) орқали миллий валютада тўловларни амалга ошириш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Arjani, N. 2005. “Simulation Analysis: A Tool for Examining the Balance between Safety and Efficiency in Canada’s Large Value Transfer System.” Bank of Canada Financial System Review (December): 55–63.

2. Chiu, J. and A. Lai. 2007. “Modelling Payments Systems: A Review of the Literature.” Bank of Canada Working Paper No. 2007-28.

3. Lai, A., N. Chande, and S. O’Connor. 2006. “Credit in a Tiered Payments System.” Bank of Canada Working Paper No. 2006-36.

4. Kubayevich, K. F. . (2024). Current Analysis and Current Issues of Ensuring the Financial Stability of the Banking System in Uzbekistan. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 4(3), 169–176. Retrieved from <https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/2681>

5. Pandey.A And Rathore.A.S.(2018),” Impact and importance of digital payment in India”. International journal of creative research thoughts – ijcr. April 6-7, 2018.

6. Порфенов К.Г. “Банковский учет и операционная техника в

коммерческих банках” Изд-3-е переработка. М.: ЗАО Бухгалтерский бюллетень 2001 г.

7. Kholmamatov Farkhodjon Kubayevich, Rakhmatov Azizjon Jaloliddinovich, Maqsudov Bunyod Abdusamat ugli, Sayfullayev Sirojiddin Soli ugli,. (2020). Econometric Analysis of Factors Affecting Commercial Bank Lending. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(9s), 2160 - 2166. Retrieved from <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/14550>

8. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИКВИДЛИК РИСКИНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari. (2024). Yangi O'zbekiston Taraqqiyotida Tadqiqotlarni o'rni Va Rivojlanish Omillari, 5(1), 375-382. <http://pedagoglar.org/index.php/04/article/view/1120>

9. <https://cbu.uz/oz/payment-systems/interbank-calculations/>

10. <https://uzcard.uz/ru>

11. <https://humocard.uz/uz/>